



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 5 июль, № 131 (5551)

Пайшанба

Она замин саховати



Ёз фасли кириб келиши билан диёримизда айна пишиқчилик мавсуми бошланади. Боғларда гилос, ўрик, олмаю ноклар фарқ пишади, сал вақт ўтиб, эртаги узум навлари шарбат йиғиб, ишкомларда олтин ва алвон рангларда товланади. Айнан шу пайтда бозорларимизда бўлган меҳмонлар бу ердаги тўкинлик ҳамда ободликини кўриб, ҳайрату ҳавасини яшира олмайди. Бу бежизга эмас, албатта.

Изчил ислохотларнинг ширин мевалари

Маълумки, сўнгги йилларда сайёрамизнинг кўплаб ҳудудларида иқлим ўзгариши туфайли ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, қуроқчилик каби салбий ҳолатлар тез-тез учрамоқда. Боз устига, Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига қараганда, молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида бир қатор ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестициялар миқдорининг камайиши кузатилаёттир. Оқибатда баъзи ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб, бу аҳоли бирламчи эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш имкониятлари торайишига ва ижтимоий тангликнинг янада кучайишига олиб келаяпти.

Мана шундай нуқулдай бир шароитда ҳам юртимизда иқтисодийнинг бошқа тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалигига, чунончи, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга, шу асосда ички бозорни тўлдириш, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Хусусан, давлатимиз раҳбари-



нинг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптимallasштириш ва уларни етиштиришнинг кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ижроси туфайли республикаимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар эҳтиёжини ўзимизда етиштирилаётган мева-сабзавот,

полизи, узум ва картошка маҳсулотлари ҳисобига тўлиқ қондиришга эришилмоқда. Ўз навбати-

Изланиш

да, қайта ишлаш саноати, таъминот ва хизмат кўрсатиш тизими ҳам замонавий талаблар даражасида раванқ топиб бораёттир. Масалан, бугунги кунга келиб, боғларимиз ва тоқзорлардаги ҳосилдорлик мустақиллигининг илк йилларидагига нисбатан 2-2,5 баробарга ортди. Буларга уйғун

тарзда ўтган йили 1991 йилдагига таққослаганда, 3,6 баробар кўп мева, 2,3 баробар кўп узум йиғиб олинди. — Халқаро тиббиёт меъёрларига кўра, аҳоли жон бошига йилгига энг камида 56,4 кг. мева ва 25,6 кг. узум маҳсулотлари тўғри келиши керак, — дейди Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Р. Абдуллаев. — Ваҳолонки, бир пайтлари бу миқ-

дор мамлакатимизда мос равишда ўртача 25,4 ва 23,7 кг.ни ташкил этарди, холос. Юртимизда бу борада олиб борилаётган туб ислохотлар, модернизация жараёнлари шарофати билан жорий йилга келиб, ушбу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 65,7 ва 38,3 кг.га етказилди. Бу халқимизни табиий витаминларга бой, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бериб, дастурхонларимиз кўрмага кўрк қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон Бизнес Форуми” лойиҳаси ҳамкорлигида “Назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси” мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбиркор ҳуқуқи – қонун ҳимоясида

Тадбирда вилоят давлат солиқ, адлия бошқармалари, санитария-эпидемиология маркази, ёнғин хавфсизлиги каби қатор органлар вакиллари иштирокида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун текширувларга оид қонунчиликдаги ўзгаришлар, текширишлар амалиёти ва ушбу жараён билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама этилди. Бу борада зарур маслаҳатлар, шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашга оид тавсиялар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Курилиш саноати:

Беқиёс имкониятлар ва юксалиш одимлари

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг қўламини нисбатан кенг. Қишлоқ ва шаҳарларимизда барпо этилаётган замонавий тураржойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари аҳоли турмушининг янада фаровонлашувида муҳим роль ўйнамоқда. Бу мазкур соҳада изчил олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Қарор ва ижро

Улкан қурилишлар жараёни, албатта, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги корхоналар зиммасига катта

масъулият юклаши баробарида, уларни замон билан ҳамнафас қадам ташлашга ундаяпти. Қўвонарлиси, компанияда бу борада муайян ютуқлар

кўлга киритилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш раёбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2009 — 2011 йиллар давомида компания томонидан 175 та инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилиши ана шундан далolat беради.

Бундан ташқари, республикаимизда йилгига 3 миллиард 530 миллион дونا пишиқ гишт ишлаб чиқариш имкониятига эга 888 та корхона фаолият юритмоқда. Шундан 768 тасида табиий газ ёрдами-

да маҳсулот тайёрланса, 120 таси кўймрга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш қувватларидир.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан бошланган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар қурилиши бунёдкорларимиз фаолиятида ёрқин саҳифа сифатида намоён бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамляпти.

(Давоми 2-бетда).

Эл саломатлиги – доимий эътиборда

Аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш ва жойларда малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган Саломатлик ҳафталиги юртимизнинг барча вилоятларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Ғамхўрлик

Наманганда ушбу тадбир доирасидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриклар дастлаб Поп тумани марказий поликлиникасидан бошланди. Пойтахтдан ташриф буюрган шифокорлар бу ердаги замонавий ташкилотларимиздаги муаммоларни аниқлашга ҳасталиқларни даволаш бўйича тегишли тавсиялар беришяпти. Айрим беморлар даволаш муассасаларига ҳам жойлаштирилди.

— Тиббий кўрикларни намунали ташкил

этиш учун зарур бўлган барча шарт-шароит, хусусан, замонавий таъхис ва био-кимёвий лаборатория усуналари аввалдан ҳозирлаб қўйилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Фурқат Раҳматов. — Шифокорлар дастлаб кики кун давомида Поп, Мингбулоқ ва Чуст туманларининг 3,5 минг нафардан зиёд аҳолисини қабул қилиб, уларга тиббий таъхис натижаларидан келиб чиққан ҳолда маслаҳатлар беришди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

■ Самарқанд

Каттақўрғон шаҳридаги “Миёнок Нон” шўба корхонаси қошида 2 миллиард 600 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, нон маҳсулотлари тайёрлаш линияси ишга туширилди.

Модернизация самараси

Бу ерда меҳнат қилаётган 12 нафар йигит-қиз томонидан кунига 900 килограмм ун қайта ишланиб, 7 турдаги нон маҳсулотлари савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Айтиш лозимки, шаҳарда жорий йилнинг бирин-

чи ярмида 1188 та иш ўрни ташкил этилган бўлиб, аксарияти янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжудларини модернизациялаштириш туфайли яратилгандир.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Сурхондарё

Бойсун туманидаги “Файз Рамз” фермер хўжалиги қошида пишиқ гишт, профил эшик ва ромлар тайёрлаш цехи ишга туширилди.

Фермер фаолиятини кенгайтди

Лойиҳа қиймати 420 миллион сўмлик мазкур корхонада ойига 400 — 450 минг дона гишт, замонавий технология асосида профил эшик ва ромлар тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда. Эътиборлиси, меҳнат жамоасининг асосий қисми коллеж битирувчиларидан иборатдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 1414 та иш ўрни ташкил этилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Қорақалпоғистон Республикаси

Қўнғиротлик фермер Расул Бобониев хўжалиги қошида йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона фаолият бошлади.

Кичик корхона муваффақияти

Молия муассасасининг 200 миллион сўмлик кредити эвазига бунёд этилган мазкур корхонада ҳозир 12 киши меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, бу ерда ишлаб чиқарилган дастлабки 60 миллион сўмлик маҳсулот ички бозорда ўз харидорини топди.

Умуман, туман бўйича жорий йилнинг ўтган олти ойида тадбиркорлик субъектлари томонидан 278 та янги иш ўрни яратилгани эътирофга лойиқ.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Тошкент вилояти

Юқори Чирчиқдаги “Янгибозор” қўрғонига “Дентекс” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ишга туширилди.

Табиий толадан бежирим либослар

Мазкур лойиҳа банкнинг бир миллиард сўмлик кредити ҳамда 400 минг АҚШ доллариллик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ҳисобига рўёбга чиқарилди. Айни пайтда 100 га яқин киши меҳнат қилаётган фабрикада илғор технологиялар ёрдамида пахта толасидан 10 хил кийим-кечак тайёрланмоқда. Муҳими, маҳсулот тўлиқ экспорт қилинади.

Туманда амалга оширилган бундай истиқболли лойиҳалар туфайли жорий йилнинг олти ойида 2385 та иш ўрни очилгани эътиборлидир.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Хоразм

Хазораспнинг Питнак шаҳарчасидаги “93-сон автотранспорт корхонаси” МЧЖ 8 та “Исузу” автобуси харид қилиб, туман марказига қатновни йўлга қўйди.

Йўловчиларга қулайлик

Шаҳар аҳолисининг узогини яқин қилаётган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 556 миллион сўм маблағи йўналтирилди.

— Йил охирига қадар яна 4 та автоулов сотиб олиш режалаштирилган, — дейди корхона раҳбари Ҳўсинбой Очилов. — Мақсадимиз шаҳарчамиз

аҳолисига сифатли транспорт хизмати кўрсатишдан иборатдир.

Айтиш лозимки, вилоят бўйича жорий йилнинг ўтган даврида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш эвазига 4 минг 657 та иш ўрни ташкил этилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инновацион маҳсулотлар экспорти ошмоқда

Академия илмий муассасаларида иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини оширадиган, ресурс тежамкорлигига хизмат қиладиган кўплаб фундаментал илмий тадқиқотлар, айниқса, ҳамкорликдаги халқаро инновацион лойиҳалар муваффақиятли яқунланиб, амалиётга жорий қилинаётгани туфайли ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

БИР РАҚАМ
ШАҲИ

2012 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида илмий ҳажмдор маҳсулотлар экспорти

1067,1 минг

АҚШ долларини ташкил қилди.

Курилиш саноати:

Беқиёс имкониятлар ва юксалиш одимлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Курилаётган уй-жойларнинг эгаларига бир қатор енгилликлар берилаётгани эса барчага маъқул тушмоқда. Молия муассасаси томонидан уларга 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй битгач эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олинishi, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланиши ана шулар жумласидандир.

Намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар қурилишига пудратчи ташкилотларнинг танлов асосида жалб этилаётгани, уларга ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қурилиш материалларининг узлуксиз етказиб берилаётганига келсак, бу иш суръатини тезлаштириш баробарида, унинг сифатини оширишга ҳам кўмаклашапти.

Давлат дастурига кўра, республикамиз қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадида 2015 йилга қадар 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари микдорига маблаг йўналтирилиши кўзда тутилгани ҳам эътиборга лойиқ. Жорий йилда эса қишлоқ аҳли учун шундай уй-жойларнинг 8510 таси барпо этилапти. Уларга зарур бўлган махсулотларни ўз вақтида етказиб бериш мақсадида “Ўзқурилишматериаллари” компанияси томонидан тармоққа инвестициялар жалб қилиниб, қўллаб қорхоналарга энг сўнгги русумдаги техника

ва технология, ускуналар ўрнатилаяпти. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси билан ҳамкорликда жойларда бир нечта пишиқ гишт заводи ишга туширилгани, “ТошқурилишматериаллариЛИТИ” лойиҳа-қидирув институти мутахассислари иштирокида йилга 10, 15 ва 20 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи технологиялар лойиҳаси тайёрлангани бунга мисол бўла олади.

— Йил охиригача республика бўйича яна 20 та гишт заводи ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, бу орқали қўшимча равишда ўртача 100 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқаришга замин яратилади, — дейди компаниянинг Инвестиция, модернизация ва инновация технологиялар бўлими бошлиғи Баходир Иброҳимов. — Корхоналарда замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани эса, пировардида электр энергиясини тежаш, қурилиш хом ашёларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш имконини бераётир.

Мухтасар айтганда, юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларига устувор вазифа сифатида қаралаётгани деворбоп материалларга бўлган талабни тобора оширмоқда. Компания тизимидаги корхоналар эса шунч ҳисобга олган ҳолда, барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Геодезия ва картографияга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда кўйи палата депутатлари, тегишли идоралар ва ташкилотлар вакиллари, мутахассис-олимлар қатнашди.

Йиғилишда мамлакатимизда транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор

— Республикамизда геодезия ва картография соҳасида энг замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар қўлла-

Геодезия ва картография:

Устувор вазифалар муҳокамаси

нилмоқда, — дейди қўмита аъзоси У. Хайтов. — Зеро, иқтисодий жиҳатдан барқарор равнақ топишда топографик-геодезик ва картографик материал ҳамда маълумотлардан оқилона фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Анжуманда мамлакатимизнинг умумжаҳон геодезия тармоғига кириш имконини берадиган, миллий манфаатлардан келиб чиқадиган янги давлат геодезик йўлдошли тармоғини яратиш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар алоҳида эътироф этилди.

Унда республикамизда иқтисодиётнинг кенг тармоқли ривожини, хусусан, жамиятда тadbиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини мустаҳкам қарор топиб бораётгани илгор технологияларга нисбатан талабни қучайтираётгани, ўз навбатида, рақамли ва электрон хариталар пайдо бўлаётгани, кўп функцияли марказлар ташкил этиш тажрибаси хусусида фикрлар билдирилди.

Жумладан, бугунги кунда амалиётда навигация тизимларини жадал жорий этиш, замонавий картография воситаларидан фойдаланиш самарадорлиқни ўстиришнинг зарур шартига айланмоқда. Қолаверса, рақамли ва электрон хариталар маълумотлари нусхаларини кўчириш ҳамда ноқонуний тарқатишининг олдини олиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада қучайтириш долзарб масала саналади.

Тадбирда, шунингдек, тармоқ учун зарур бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида мулоҳазалар билдирилиб, қўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

С. МАХСУМОВ.

Тадбир

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси томонидан “Қасаба уюшма ташкилотларининг аҳоли меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Меҳнат муҳофазаси кафолатлари

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди. Албатта, бу давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятини бугунги талаб даражасида йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда пойтахтимиздаги қасаба уюшма ташкилотларининг аҳоли меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларга кенг имкониятлар яратишга ҳалал бераётган омилларни бартараф этиш билан боғлиқ фаолиятни таҳлил қилинди.

Шунингдек, давра суҳбатида қасаба уюшма ташкилотларининг аҳоли меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини янада ошириш масалалари хусусида сўз юритилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. худойшукуров.

Аграр тармоқ учун кредитлар

Мирзабод туманида фермер ҳўжаликларига техник хизмат кўрсатувчи “Гулистон тех барака ММТП” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

Интилиш

Мазкур лойиҳа учун “Асака” банкнинг Сирдарё филиали томонидан бир миллиард 444 миллион сўм кредит йўналтирилди.

— Ушбу маблагга 10 та “ТЗ-80” русумли чопиқ трактори, 5 та “КЕИС ТЗ-135” ҳайдов трактори, 20 та культиватор, 20 та сеялка, 10 ОВХ дори пуркагич мосламаси сотиб олдик, — дейди корхона раҳбари Бердибек Нурматов. —25 кишилик жамоамиз ҳозир фермерларнинг яқин кўмакчисига айланган.

Айтиш лозимки, йил бошидан буён “Асака” банки вилоят филиали томонидан фермерларга қишлоқ ҳўжалиғи техникалари сотиб олишлари учун 3 миллиард сўмдан зиёд кредит маблаглари ажратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Технологик янгиланиш ва истиқболли лойиҳалар

саноат корхоналари фаолиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда

Қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, харидоргир, экспортбоп махсулотлар тайёрлаш, чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги савй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Айниқса, бундай корхоналарнинг аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлашдаги аҳамияти тобора ошмоқда. Буни Жондор туманидаги “Жондор мега текстиль сервис” масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жараён

— Икки йилдан буён шу корхонада меҳнат қилаяпман, — дейди Азиза Қазоқова. — Бу ерда замонавий дастгоҳлар ёрдамида сочик учун хом ашё, яъни ил йиғириб берамиз. Касбим ўзимга ёқади. Самарали меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Корхона томонидан ажратилган махсус автобусда ишга қатнаيمиз. Коллежни тугатиб келган қизларга ҳам касб силарини ўргатаямиз. “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ҳозир ўн нафарга яқин коллеж битирувчиси ёнимизда туриб, малака ошираяпти.

Жамиятга янги-янги ишчиларнинг қабул қилинаётгани бежиз эмас. Негаки, корхона фаолияти йил сайин кенгаймоқда. Мунтазам равишда модернизация тадбирлари амалга оширилаяпти. Табиийки, эпчил, ишининг кўзини биладиган, малакали ишчиларга талаб ортмоқда. 82 киши меҳнат қилаётган “Жондор мега текстиль сервис”да, аввало, малакали кадрларга таяниб

иш қўрилаётгани диққатга сазовор. — Яқинда Италиянинг “Ваматекс” фирмасидан йиғирмта замонавий тўкув дастгоҳи харид қилдик, — дейди корхона ихроци директори Зарифа Пирматова. — Ҳозир уларни ўрнатиш жараёни кетмоқда. Янги дастгоҳлар юқори иш

самарадорлигига эгалиги билан ажралиб туради. Ҳозирги жиҳозлар билан ойига 20-30 тонна махсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, янги ускуналар воитасида бу кўрсаткич 200 тоннагача етади.

Корхонанинг самарали иш юритишида банк муассасаларининг кўмағи ҳам қўл келаяпти. Чунончи, “Хамкорбанк” томонидан



ажратилган 700 миллион сўмлик кредит маблагга хом ашё таъминоти масаласини ҳал этди. Даровеке, сочик тайёрлаш учун зарур қалава ил “ДЭУ текстиль Бухоро” ҳамда Навоий вилоятидаги “Навбахортекстиль” корхоналаридан олинмоқда. Қишлоқ корхонасида уни бўяшдан тортиб, тайёр махсулотга айлантиришгача бўлган жараён бажарилаётгани эътиборга молик. “Жондор мега текстиль сервис” тамгаси туширилган махсулотнинг асосий қисми эса экспорт қилинмоқда. Ўтган йили бу ерда 2 миллиард 759 миллион сўмлик сочик ва бўз ишлаб чиқарилди. 845 минг АҚШ доллари билан махсулот хорижлик бюртмачиларга жўнатилди.

Корхонада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қўшимча даромад манбаларини излаб топиш борасида ҳам жиддий изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жамият ҳудудидаги бўш турган олтимши сотиҳ майдонда иссиқхона ҳўжалиғи ташкил этилди. Бу ерда помидор, бод-рир, турли зира-

ворлар етиштирилаяпти. Корхона ишлаб чиқариш жараёнида юзага келаётган иссиқлик мазкур ёрдамчи ҳўжалиғи зарур ҳарорат билан таъминлашда асқотмоқда. Ваҳолонки, илгари у чиқит сифатида атмосферага чиқиб кетарди. Бу қўлайлик иссиқхонада арзон махсулот етиштириш имконини бермоқда.

— Туман ҳокимлиғи имкониятларимизни ҳисобга олиб, жамиятимиз учун олтимши гектар экин майдони ажратди, — дейди З. Пирматова. — Бу ерда “Соли чўпон Жондорий” деб номланган фермер ҳўжалиғи ташкил этдик. 15 гектар майдонда бугдой етиштириаяпти. Пахтачилик билан ҳам шуғулланамиз. Шулар ҳисобидан йиғирмта кишида зиёд қўшимча иш ўрни юзага келди.

Интилганга толе ёр, дейишади. Изланиш, бугунги натижалар билан чекланиб қолмаслик, ички ва ташқи бозор талабини мунтазам ўрганиб бориш “Жондор мега текстиль сервис” корхонаси истиқболлини белгилamoқда. Зеро, эртанги кунга пойдевор бугун қўйилади.

ИСТИ ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ
олган сурат.

Эъзозланаётган анъана

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда гиламнинг хори, қоқма, терма, гажори, араби сингари бир қатор турларини ишлаб чиқараёпмиз. Бундан ташқари, биз гиламларнинг қадимий турларини излаб топиш ва қайта тиклаш борасида ҳам изланишлар олиб бораёпмиз. Изланишларимиз самараси уларoқ, яқинда гиламларимиз тури биттага, яъни “Қиз гилам”га бойиди. Бу гилам турини пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмалардан бирида тасодифан қўриб қолдик. Қадимда урф бўлган ва келинларнинг сепини беэаган ушбу гилам ўтган асрнинг эллагинчи йилларига келиб йўқолиб кетган экан. Синчковлик билан гиламнинг тўқилиш усули, тархларини ўрганимиз ва кексаларнинг маслаҳати, кўмағи билан уни тиклашга муваффақ бўлдик.

Очиги, ҳаётимдан мамнунман. Айниқса, 2011 йили Президентимиз Фармонига кўра, “Шўхрат” медали билан тақдирланганим камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо бўлди. Бу нафақат менга, балки оила аъзоларим, устозларим, қолаверса, хунарининг ортдан Эъзозланишимиз довуригачи элга танитаётган хунамандларга кўрсатилган эътибор самарасидир. Хунар аҳлига қаратилаётган бундай ғамхўрлик эса бизни доимий изланишда бўлиб, халқ хунамандчилиғи ва амалий санъати довуриғини дунёга ёйишга даъват қилаверади.

Салтанат ҚўЛДОШЕВА,
«Шўхрат» медали соҳибаси.

Эл саломатлиғи — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими, ҳафталикда иختисослаштирилган тиббий хизматга эҳтиёжманд беморлар текширув ўтказилган жойининг ўзида тажрибали мутахассисларнинг малакали хизматидан баҳраманд бўлаётлар.

— Қизим Сайёра анчадан буён асаб тизими билан боғлиқ хасталиқни бошдан келчираяпти, — дейди поплик Санобар Норматова. — Бугун уни невропатолог мутахассис кўригидан ўтказдик. Касаллиқни даволаш янада самарали бўлиши учун иختисослаштирилган тиббий масканга йўлланма беришди. Боламининг шифо топишидан умидим катта.

Мазкур тадбирда туман марказларидан тортиб, энг олис қишлоқлар аҳолисиғача қамраб олинishi кўзда тутилган. Зеро, Саломатлик ҳафталиғи эл соғлиғини муҳофаза қилиш, даволашдаги самарадорлиқни юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қорақалпоғистон Республикасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” широри остидаги Саломатлик ҳафталиғи тадбирларида 1250 нафарга яқин

Кудратилла НАХМИДИНОВ,
Хидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Тадбиркор ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури “Ўзбекистон Бизнес Форуми” лойиҳаси ҳамкорлиғида тайёрланган “Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар”, “Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ҳақида нималарни билиш зарур?” қўлланмаларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

“Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар” қўлланмасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қайд этилган шартномалардан намуналар келтирилган бўлиб, тадбиркорлар мазкур қўлланма ёрдамида барча турдаги шартномаларни тузиш билан боғлиқ саволларга жавоб олишлари, намуна шаклида келтирилган шартномалардан амалиётда фойдаланишлари мумкин. “Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ҳақида нималарни билиш зарур?” қўлланмасида эса тадбиркорлик субъектларида текширувларни ўтказиш тартиб-қоидалари ҳамда текширишлардан кейин расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Семинарда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Ф. ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ларини ташкил этишга замин яратади.

Қайта ишлаш саноати ва сервис

Қишлоқ ҳўжалиғи соҳаси, ҳудусан, боғдорчилик ва узумчиликда саноат ютуқлари, айниқса, замонавий минитехнологиялар жадал жорий этилмоқда, қайта

Она замин саховати

мос, серҳосил, мевали пакана ва яримпакана кўчатларини кўпайтириш, боғларда тежамкор технологияларни татбиқ этиш асосида тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, бугун ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, тоғ ва тоғолди ҳудудларни ўзлаштириб, бог-токзорлар барпо этиш, бу жойларда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари қўриларгани натижадада 2012 йилга келиб, мамлакатимиз бўйича интенсив боғлар майдони 5,1 минг гектарга етказилди, боғу бўстонлар бунёд этилиб, яроқсизлари қайта реконструкция қилинди.

Ҳўш, интенсив усулнинг афзалликлари нимада?

Аввало, мазкур усулда яратилган боғдаги дарахтлар танаси кичик. Шунинг учун уларга ишлов бериш жуда қулай. Қолаверса, кўчатларга ёруғлик тушиши, ҳаво айланиши меъёрида бўлгани учун мева сифати юқори бўлади. Ҳосилни йиғиб олиш ҳам анча осон. Жумладан, симбағазга тортилган боғларда нарвонсиз ҳам мева терилаверади. Демак, иш унумли бўлиб, хом ашё сарҳиллиғи сақланади, нобудгарчиликларнинг олди олинади. Агар агротех-

ника тадбирлари ўз вақтида тўлиқ ўтказилса, янги экилган пакана ва яримпакана боғлар 2-3 йилда нишона беради. Масалан, гектарига иккинчи йили 2 — 5, учинчи йили 5 — 10, тўртинчи-бешинчи йилга бориб эса 40 — 50 тоннагача ҳосил олишга эришилади. Бу — аънанавий боғларга нисбатан 2-3 баробар кўп натижа, деганидир.

Ўтуқлар қалити

Шубҳасиз, бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиғининг барқарор ривожини моддий-техника ва сув ресурсларини тежаш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, иссиқхоналарда муқобил иссиқлик манбаларини қўллаш жараёнлари билан узлуксиз боғлиқдир.

Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик

Сайджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.



24 соат
ичида

Замонавий самолётларга талаб ортади

“Boeing” авиаконцерни келгуси йигирма йил ичида дунё бўйича янги самолётларга бўлган талаб ортишини маълум қилди.



Унга кўра, 2032 йилга қадар авиакатновларнинг тўлақонли амалга оширилиши учун умумий қиймати 4,5 триллион АҚШ долларига тенг 34 мингта ҳаво лайнери зарур бўлади. Ўтган йили “Boeing”-нинг бу борадаги тахминлари 33,5 мингта эди.

Изоҳланишича, талабнинг ортиши, аввало, Хитой ва Ҳиндистондаги эҳтиёжнинг ўсаётгани билан боғлиқ. Қолаверса, эскирган русумларни нисбатан тежамкор ва замонавийларига алмаштириш жараёндари ҳам янги самолётлар савдосининг кўтарилишига замин яратяди.

Довул келтирган муаммо

АҚШнинг шарқий ҳудудларида рўй берган довул оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 22 нафарга етди.

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлигининг хабарига кўра, электр узатиш линияларининг зарарилиши оқибатида қарийб 1,8 миллион киши таъминотдан узилиб қолган. Бу ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб бораётган айни кунларда аҳоли учун қўшимча қийинчилик туғдиришмоқда. Масалан, табиий офатдан азият чеккан штатларда термометр

устуни 38 даражани кўрсатмоқда. Аммо электр қуввати йўқлиги боис кондиционерлардан фойдаланиб, ҳавони мўътадиллаштиришнинг имкони бўлмаётган. Одамлар ноилжолликдан муқобил генераторларни ишга солишмоқда. Бу эса, табиийки, маҳаллий ҳукуматни хавотирга қўяётди. Чунки бундай усуналар инсон саломатлиги учун хавфли бўл чикарар экан.

Қимматбаҳо асар

Буюк британиялик рассом Жон Констеблнинг 1824 йилда яратилган “Тўғон” номли асари “Кристис” аукционидида 22,4 миллион фунт стерлинг (35,2 миллион АҚШ доллари)га сотилди, дейилади “Франс пресс” ахборот агентлиги хабарига.



Бу мазкур картина савдосидаги рекорд кўрсаткичдир. 1990 йилда ўтказилган аукционда “Тўғон” 10,8 миллион фунт стерлингга харид қилиниб, Мадридаги машҳур Тиссен-Борнемис музейи экспонатлари қаторидан

жой олганди. Унинг яна савдога қўйилиши йўзга келган молиявий қийинчиликлар билан боғлиқ экани айтилмоқда. Асарнинг янги соҳибини шахси ошкор этилмади.

Тахмин бозорга таъсир қилди

Франциянинг “PSA Peugeot Citroen” автоконцерни жорий йилда маҳаллий корхоналаридаги иш ўринлари сонини 10 мингтага қисқартириши мумкин. Бу аввал тахмин қилинганидан 6 мингтага кўпдир.

Касаба уюшмалари томонидан тарқатилган ушбу маълумот қимматли қўғозлар бозорига ўзининг се-

зиларли таъсирини кўрсатди: автоконцерн акциялари баҳоси бирданига 3,6 фоизга кўтарилди.

Футболчиларга интизом чораси

Франция футбол федерацияси (“FFF”) мамлакат миллий терма жамоасининг тўрт нафар ўйинчисига нисбатан интизом чораси қўллаш масаласини кўриб чиқмоқда.



Булар ярим ҳимоячилар — Самир Насри, Атем Бен Арфа, Жереми Менез ва Ян Мвила. Федерация президенти Ноэль Ле Гразнинг билдиришича, мазкур иш футболчиларнинг “Евро — 2012”да кўрсатган беадабликлари билан боғлиқ. Хусусан, Насри чемпионатнинг чорак финал ўйинидан сўнг интервью олмақчи бўлган муҳбирни ҳақоратлаган. Ме-

нез ўз жамоаси сардори Уго Льорисга нисбатан номақбул сўзларни айтган. Мвила эса Испания билан кечган учрашувда алмаштирилгани туфайли бош мураббий Лоран Бланнинг узатган қўлини ҳавода қолдирган. Бен Арфанинг қилиги ҳам бундан кам эмас. У кийинчи хонасида жамоадошлари билан жанжаллашган.

Франция футбол федерацияси тўрт футболчининг “Евро — 2012” муСОбақаларида қатнашганлиги учун бериладиган 100 минг евро миқдоридидаги пул мукофотларини “музлатиб” қўйди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳар томчиси бебаҳо

Обиҳаётни асраш авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Бугун сув ҳақида маълумотлар кўп. Жумладан, тадқиқотлар жараёнида дарсликларда “рангсиз, ҳидсиз ва таъмсиз модда” деб таъриф берилган бу неъматнинг хотираси борлиги, эшитиш хусусиятига эгалиги аллақачон исботланган. Лекин шунга қарамадан, дунё халқларининг унга муносабати ўзгармаганлиги оқибатида обиҳаёт манбаларининг ифлослиниши, ачинарлиси, унинг танқислиги кузатишмоқда.

Мушоҳада

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳон аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари ичимлик суви танқис шароитда истикомат қилаётти. Башоратларга қараганда, 2025 йилга бориб, бу муаммо кўнканаси 3,5 млрд. кишини қамраб олиши эҳтимоли бора!

Шу маънода, мамлакатимизда сувдан фойдаланишда ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ривожланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга эришишга йўналтирилган изчил ислохотлар олиб борилаётгани эътиборга молик. Шу мақсадда сув ресурсларини интеграциялаш асосида бошқаришни жорий қилиш, ирригация тармоқларини модернизациялаш, сувдан фойдаланишнинг хисоблаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Бунда, табиийки, ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилар қаторида қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим омили бўлаётди. Маълумотларда қайд этилишича, республикамиз аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжининг 80 фоизи ер ости чуқур сув манбалари ҳисобига таъминланади. Шунинг учун улар ҳосил бўладиган худудларни муҳофаза қилиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Масалан, кейинги йилларда Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан вилоятлар миқёсида аҳамиятга эга бўлган 9 та, республика аҳамиятига молик 11 манзилга муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилди. Натижада бундай ерларнинг умумий майдони 407356 гектарга етказилди.

Шу билан бирга, қўмита томонидан 2002 йилдан эътиборан мамлакатимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи 8 та дарё сувини муҳофаза қилиш минтақаси ва қирғоқбўйи полосаси белгиланиб, жумладан, Зарафшон, Норин, Сурхондарё, Қашқадарё, Қорадарё ва Чирчиқ дарёларининг бўйида жойлашган 143 та экологик хавфли объект ушбу зонадан чиқарилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда нафақат минтақа сув ресурслари, балки трансгегаравий дарёлардан оқилна фойдаланишга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти. Бу Президентимиз ташаббуси билан 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси қўшилган Трансгегаравий очик сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофа-

за қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция, Халқаро очик сув оқимларидан кема-лар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция талабларига тўла мослиги жиҳатидан диққатга сазовордир. Бироқ баъзи давлатлар томонидан Марказий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарорлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган Амударё ва Сирдарёдан ўзбошимчилик билан фойдаланилаётгани минтақадаги шундоқ ҳам нозик бўлган экологик вазиятни мураккаблаштириб, ижтимоий муаммоларнинг кучайишига олиб келиши мумкинлиги ташвишланарлидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, коммунал тизимдаги носозлиқлар ҳам обиҳаётнинг катта қисми йўқотилишига сабаб бўляпти. Нега деганда,

Мана, ёз фасли ҳам авжига чиқмоқда. Демак, ҳарорат кўтарилган сари ичимлик сувига бўлган талаб янада ортиши, табиий. Бироқ ундан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик лозим. Бунинг олдини олишда эса ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз керак. Айтилик, мевасазбавот ва полиз маҳсулотларини водопровод жўмраги остида совитлаётган ёки машинасини ичимлик суви билан юваётган кишиларни кўрганимизда, бундай салбий ҳолатларга лоқайд қарамаслигимиз даркор. Зотан, ҳаёт манбаи бўлган обиҳаётни исроф қилмаслик, оқар сувларини ифлослантирмаслик халқимизга хос ғазилатлардан бўлиб, бунга эришиш барчамизнинг бурчимиздир.

Саид РАҲМОНОВ.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА КАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

№ RESP2/CW/NCB/09/07 UZ

Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити: 4433 UZ
«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро тараққиёт уюшмасидан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси учун ажратилган кредитнинг муайян қисмини «Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «КРС» хўжаликларида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун № RESP2/CW/NCB/09/07 UZ сонли контракт бўйича тўловлар учун сарфлаш кўзда тутилган.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги номидан «Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «КРС» хўжаликларида қаналида ва «Авзикент» хўжаликларида қоллекторидида таъмирлаш-тиклаш» ишларини бажариш учун қурилиш-пудратчи ташкилотларини тендер савдоларида иштирок этишга таклиф қилади.

3. Тендер ҳужжатларининг бир тўплами учун 200 000 (икки юз минг) сўм миқдорига қайтарилмайдиган комиссия йиғими қуйидаги ҳисоб рақамига тўланганидан кейин кўрсатилган манзилдан олиш мумкин:

20210000403965637890, ОАТБ «Агробанк», банк коди: 00394.

Тўловни олувчи: Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Кори-Нийёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Кори-Нийёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона.

Телефонлар: (+99871) 237-16-57, 150-55-36.

Факс: (+99871) 237-16-58.

Электрон почта манзили: resp@skz.uz

Қизиқш билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотларни ҳам шу манзилдан олишлари мумкин.

4. Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер комиссияси томонидан тендер таклифлари очилган пайтдан бошлаб 90 кун бўлиши лозим. Катнашчилар тендер таклифи билан бирга, тендер таклифининг гаров таъминоти сифатида 20 миллион сўм қийматига бўлган ва хизмат қўрсатувчи тижорат банкининг бош офиси томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган банк кафолатини тақдим этишлари зарур.

5. Тендер таклифлари 2012 йил 7 август куни соат 16.00 гача қуйидаги манзилга етказилиши лозим: Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Тошкент шаҳри, Кори-Нийёзий кўчаси, 39-«Б» уй, 1-қават, 4-хона. Телефонлар: (+99871) 237-16-57, 150-55-36. Факс: (+99871) 237-16-58. Электрон почта манзили: resp@skz.uz

Тендер савдоларини электрон тарзда ўтказиш кўзда тутилмаган. Тендер таклифларини очиб ушбу тadbрида бевосита қатнашиш истагини билдирган катнашчилар вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

6. Кеч қолган тендер таклифлари қабул қилинмади ва очилмаган тарзда тендер катнашчиларига қайтариб бериллади.



СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР —
ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР —
ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР —
ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР —
ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

КАРБИД Козоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Жиззах вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Жиззах вилояти, Зафаробод тумани СИБ томонидан, Жиззах вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 июндаги 13-1105/2115-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зафаробод тумани, «Бирлик» ҚФЙ ҳудудидида жойлашган, «Конгли» ФВга тегишли чорвачилик фермаси биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 490 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 8 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан Зафаробод тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00

гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 6 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотeka-банк»и Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Реклама ва эълонлар

UZTELECOM

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARGO'I» ФИЛИАЛИ

телекоммуникация тармоғида Тошкент шаҳридаги хошилинча ва маълумотлар хизматида чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104,..., 10xx рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

«101»	(ёнгин хавфсизлиги хизмати)
«102»	(милиция)
«103»	(тез ёрдам)
«104»	(газ хизмати)
«1050»	(кутқарув хизмати)
«10xx»	(бошқа хизматлар)

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

1011A/277

«Ўзстандарт» агентлиги «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси

ҳамда унинг ҳудудий марказлари қошидаги қиёслув ва синов лабораторияларини 2012 йил мобайнида намунавий ўлчов воситалари ҳамда замонавий синов ускуналарини билан жиҳозлаш мақсадида тендер эълон қилсади.

2012 йил мобайнида харид қилиниши режалаштирилган намунавий ўлчов воситалари ва синов ускуналари рўйхати «Ўзстандарт» агентлигининг www.standart.uz сайтига жойлаштирилган.

Тендер очик ва бир босқичда амалга оширилади.

Манзил: 100049, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Форобий кўчаси, 333-«А» уй.

Телефонлар: (8-371) 150-19-13, 150-64-56.

Факс: (8-371) 246-75-10.

1057A/759

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили

ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.



Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.

998A/720

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ВА КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:

турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндирғичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаг, технологик реакторлар.

• ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича. * Махсулот сертификатланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.

Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10,

(+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.

e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.

ТОВАР
СЕРТИФИЦИРОВАН

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК раҳбарияти, Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши компаниянинг Ташишлар маркетинги ва мулк муносабатлари бошқармаси бошлиғи Руслан Қўшаевга падари бузруквори

ХАФИЗ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил яримой жамяти Жиззах вилояти ташкилоти раиси Мамлакат Ишқуватовга ораси

Санталат ИШҚУВАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Миллий қадриятларимиз эътирофи

Мамлакатимизда азалий анъана ва қадриятларимизга кўрсатилаётган эътибор боис миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларимиз кенг оммалашиб, халқаро миқёсда юксак эътирофга сазовор бўлаётир.

Фахр

Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий спорт тури бўлган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шахрисабзда Амир Темура, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлари ўтказиш анъана тусини олди. 1992 — 1998 йилларда эса Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон каби бир қатор мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намоёниш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Американинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА)га асос солинди.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги “Халқаро “Кураш” Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эса миллий курашни янада ривожлантиришда муҳим дастурийамал бўлди.

Ўша йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати

ўтказилди. Унда сайёраимизнинг элликка яқин давлатидан келган полвонлар голиблик учун беллашди. Шундан сўнг ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионатларига Анталия, Будапешт, Ереван, Улан-Батор, Алушта, Термиз каби шаҳарлар ҳам мезбонлик қилди. Шу билан бирга, Кураш халқаро ассоциацияси томонидан ушбу спорт турини жаҳоннинг беш қитъасида кенг оммалаштириш ва шу орқали миллий қадрият ҳамда урф-одатларимизни тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилди. Бугун сайёраимизнинг беш қитъасида кураш конфедерациялари фаолият олиб бормоқда. 120 га яқин мамлакатда кураш федерациялари мавжуд. Ҳозир дунёнинг исталган мамлакат спорт залларида эгниди миллий кураш кийимини кийган полвонлар қўлини кўксига қўйган ҳолда, таъзим билан гиламга чиқаётганига

ёки жажон ареналарида “ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “ғирром”, “дакки” каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айниқса, Халқаро олимпия кўмитаси президенти Жак Рогенинг “Халқаро олимпия кўмитаси эшиклари кураш каби аjoyиб спорт тури учун ҳар доим

очик”, дегани ушбу миллий спорт туримизга берилган энг муносиб баҳодир. Шубҳасиз, бу мустақил Ўзбекистонимизнинг тарихий ютуғи ҳамдир.

Табиийки, курашнинг халқаро спорт оиласининг вакили бўлиши дунёда миллий ўйинларимиз ва спорт турларимизга бўлган қизиқишни янада ортирди. Бунга шу йилнинг 5 — 11 июль кунлари Литванинг Шяуляй шаҳрида ўтказиладиган Халқаро спорт ҳамма учун ассоциациясининг (TAFISA) V Бутунжаҳон ўйинларида Ўзбекистон вакиллариининг илк бор иштирок этиши яққол бир далилдир.

Айтиш жоизки, “Polvonlar milliy ensiklopediyasi” ҳамма учун ассоциацияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ушбу ташкилот 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти оммавий спортни халқаро миқёсда тараққий эттиришга, бу йўлда халқаро анжуманлар ва мусобақалар ўтказиш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Унга дунёнинг 130 га яқин мамлакатли аъзодир. Шу

пайтгача TAFISA томонидан тўртта Бутунжаҳон ўйини Бонн, Бангкок, Ганновер ва Пусан шаҳарларида муваффақиятли ўтказилган. Мусобақалар ҳар тўрт йилда бир марта ташкил этилади.

— Миллий қадриятлар ҳар бир халқнинг бебаҳо бойлигидир, — дейди спорт мураббийи Равшан Назаров. — Мустақиллик туфайли биз ана шу бойлиқни кўз-кўз қилиш имкониятига эга бўлдик. Айниқса, ўтган йиллар давомида Халқ ўйинлари байрами, “Алпомиш” республика халқ ўйинлари фестивали, “Тумарис” қизлар миллий фестивали, Ўзбек миллий ўйинлари фестивали каби йирик спорт анжуманларининг ўтказилгани миллий қадриятларимиз янада оммалаштиришда янги даврни бошлаб берди. Қолаверса, халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари аҳамияти ҳақида буюк алломамиз Беруний қадимги халқлар ўйинлари, Ибн Сино ўйинларининг шифобахш хусусиятлари, Маҳмуд Қошғарий туркий халқларга оид қўллаб-қўйин турларининг баёни, Калковус ўйинларида қатнашиш одобини, Алишер Навоий паҳлавонлик завқи-шавқи ҳақида жиддий фикрлар билдирган.

Тарихий ўйинларни ўрганишда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луготит турк” асари муҳим ўрин тутди. Бу китобда халқ ўйинларининг 150 дан зиёд турларига муфассал таъриф берилган.

Хулоса ўрнида айтганда, халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари соғлом авлодни вояга етказишда катта аҳамиятга эга. Уларни асраб-авайлаш ва оммавийлигини таъминлаш эса, шубҳасиз, баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Фозилдин АБИЛОВ.

Лапар ва ўланлар сеҳри

томошабинларни ўзига мафтун этди

Андижон санъат коллежида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган лапар ва ўлан ижрочилари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Унда иштирокчилар обод Ватанимизни мадҳ қилувчи миллий куй-қўшиқларни ижро этишди. Тадбир якунида балиқчилик Муҳаррам Тоштемирова лапар ижрочилиги бўйича мутлақ голибликни қўлга киритди. Ўлан йўналишида эса асакалик Марҳаббо Сатторов ва Баҳодир Исмоилов тенгсиз, деб топилди. Энди улар танловнинг Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Қўшиқларда юрт мадҳи



Этган улугъ неъмат — тинч ва осуда ҳаётиимизни тараqqим қилувчи қўшиқлар-

нинг дунёга келишида муҳим роль ўйнамоқда. Айни пайтда мазкур ижодий танлов истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш баробарида, шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини бераётир.

— Инсон учун Ватанини қўйлашдан-да ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди Ўзбекистон давлат консер-

ваторияси талабаси, танловнинг шаҳар босқичи голиби Азиза Муҳамедова. — Бундай нуфузли ижодий беллашувда қатнашиш, Ватан ҳақида куйлаш ва голиблар сафиди бўлиш улкан саодатдир. Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этган 35 нафар ижрочидан олти нафари ижодий беллашувнинг республика босқичига йўлланма олди.

М. ХОЛМАТОВА.

Реклама ва эълонлар

Жорий йилнинг 2 июль куни

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви

«MIX-MARKET»

агентлиги

«Микрокредитбанк»

очиқ акциядорлик тижорат банки

фаолиятини микромолиялаш соҳасидаги энг юқори бўлган

«5 Олмос»

даражасида яна бир бор баҳоланганини тасдиқловчи сертификат тақдим этди.

miX

Microfinance Information Exchange, Inc.
Certificate of Transparency



This certificate recognizes:

Mikroredit Bank of Uzbekistan

for achieving 5 Diamonds on the MIX Market
improving the transparency, quality and reliability of microfinance information

Mårten Leijon

Mårten Leijon
Executive Director

10036/002

UZTELECOM
НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЕРАТОР

1 IYUNDAN 1 AVGUSTGACHA
TSHTT filiali

IPTVga bepul ulanishni taqdim etadi!

IPTV — kino, yangiliklar, seriallarni tomoshabin uchun qulay paytda ko'rish imkoniyatini yaratuvchi raqamli interaktiv televideniye.

- Siz istagan **33 kanal**.
- O'zingizning teledasturingizni tuzing (**o'zingiz belgilagan vaqtga teledasturlarni joylashtiring**).
- Abonent to'lovi — **oyiga 18 000 so'm**.

200-09-09

XIZMATLAR LITSENZIYALANGAN.

1005R/272

FIAT INDUSTRIAL

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

E 215

NEW HOLLAND AGRICULTURE

TL 100

100 л.с.

Италияда сифат

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

240R/98

CLAAS

«Uz CLAAS Service» МЧЖ

Германиянинг юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни Ўзбекистонда «CLAAS» қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда асл (оригинал) эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун расмий «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамиятини ва унинг вилоят филиалларини ташкил қилди.

Сифатли сервис хизмати ва асл эҳтиёт қисмлар учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Тошкент автомобиль халқа йўли, 45-уй.
Мўлжал — «Янгиобод бозори».
Тел.: (8-371) 230-93-77, 230-93-74. **Моб.:** (8-598) 368-93-77.
service@uzclaasservice.uz info@uzclaasservice.uz

Сизнинг техникангиз узоқ муддат хизмат қилиши тарафдоримиз!

Диққат! Асл эҳтиёт қисмлар қадоғида голограмма бўлиши лозим!

004R/070

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2030-0786

9 772030 078604

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файzieва.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаххих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.15

1 2 3 4 5